

RHP – минтақадаги инсон капитали захирасининг қиймати минтақанинг меҳнат бозорида ҳали амалга оширилмаган, аммо келгусида амалга ошириш истиқболлари билан инсон капитали захираси даражасини акс эттиради:

Ҳисобланган кўрсаткич қанчалик юқори ёки паст бўлса, йил давомида минтақадаги инсон капитали захираси мос равишда юқори ёки паст бўлади. Биз маълум вақт учун инсон капитали захирасини оламыз.

Инсон капиталини захира сифатида баҳолаш кўрсаткичи мезонлардан бири бўйича минтақанинг инсон капиталини баҳолаш имконини берувчи асосий кўрсаткичдир. У минтақадаги мавжуд вазиятни баҳолайди ва минтақада инсон капиталини самарали бошқариш учун келажакдаги вазиятни тузатишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, инсон капитали тушунчаси долзарб деган хулосага келишимиз мумкин. У замонавий фанлараро ёндашувни қамраб олади, эски ва янги тадқиқот муаммоларини бошқа нуқтаи назардан очиб беради. Жамиятнинг инсон капиталини сақлаш ва кўпайтириш дастурларини ишлаб чиқиш керак. Бу моделлар ва уларни амалга ошириш усулларини талаб қилади. Шахс билим ва кўникмаларни, тўпланган инсон капиталини минтақа ва умуман мамлакат меҳнат бозорида амалга оширади. Шу нуқтаи назардан, инсон капитали жамиятнинг иқтисодий активлари захираси, иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўсиш манбаи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Берндт Э. Практика эконометрики: классика и современность: учебник / пер. с англ.; под. ред. С.А. Айвазяна. М.: ЮНИТИ ДАНА, 2005. 863 с
2. Управление интеллектуальным капиталом в регионе: монография / С.П. Станишевская, Е.А. Имайкин, И.Н. Якупова; Перм. гос. нац. иссл. ун-т, Пермь, 2013. 156 с.
3. Корчагин Ю.А. Российский человеческий капитал: фактор развития или деградации?: Монография. Воронеж: ЦИРЭ, 2005. 252 с.
4. Хлопова Т.В. Классификация конкурентоспособности работника как интегральной характеристики степени развития его трудового потенциала // Вестник Пермского университета. Сер. Экономика. 2012. Вып.

ХУДУДИЙ САНОАТ АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Рахимбаев Акмал Азатбоевич
Урганч давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

Жаҳон мамлакатларида амалга оширилаётган саноати сиёсатининг асосий йўналишлари инновацион технологияларини қўллаш, ҳудудларда саноат комплекслари ва маҳаллий кластерлар фаолиятини рақобатбардошлигини ошириш билан бирга глобал қўшилган қиймат занжирига самарали интеграциясини таъминлашга эришишдан иборатдир.

Жаҳондаги саноати ривожланган АҚШ, Япония, Хитой ва Корея каби мамлакатлар агломерацияларини яратиш асосида шаклланган саноат кластерлари жаҳон саноатида яратилаётган қўшилган қийматни 50 фоиздан, инновацияларнинг 85 фоиздан ортиғига эгалик қилмоқда [13].

Мамлакатлар ўзининг минтақавий иқтисодий ўсишни кучайтиришга, даромадлар тенгсизлигини ва қашшоқликни камайитиришга ҳаракат қилади ва бу фаровонликни оширишдан иборат жараён бўлиб, иқтисодий ўсишни бутун минтақада таъминланишига қаратилган сиёсат олиб бориш орқали ҳал этилади.

Шунга асосан, жаҳон мамлакатлари ўз минтақаларида саноат агломерацияларини шакллантиришнинг замонавий ёндашувларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Худудий саноат сиёсатини олиб боришда асосий эътиборни саноат зоналарини ташкил этиш, кластерларни шакллантириш асосида қўшилган қиймат яратишни назарда тутувчи механизмларни яратишга қаратилмоқда.

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт даврида саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш, рақамлаштириш ва инновацион ривожланишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Самарали йўлга қўйилган саноатни ривожлантириш бўйича ислохотлар натижасида саноатнинг ЯИМдаги ҳиссаси 2010 йилдаги 18,7 фоиздан, 26,7 фоизга оширишга эришилган.

Бироқ, инвестицияларни жалб этиш борасида ҳали етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Шунингдек, жалб этилган ТТХИлардан нафақат самарали фойдаланиш ва уларни маҳаллийлаштириш, балки хорижий инвесторларни ҳам ўзига жалб эта оладиган шарт-шароитлар яратишга устувор эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш; Худудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш»[1] вазифалари белгилаб берилган.

Мамлакатда саноат агломерацияларини шакллантиришнинг устувор мақсадлари саноат кластерларини ва саноат зоналарини ташкил этиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилиши лозим. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши худудларда саноат агломерацияларини шаклланиш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади.

Илмий тадқиқотларда агломерация деганда маълум бир жуғрофий худудда корхоналарни кластерлашувини англатувчи тушунча сифатида

қаралади.[2] Агломерация иқтисодиёти ходимлар ва фирмаларнинг географик жиҳатдан биргаликда жойлашишига олиб келадиган механизмларни ўз ичига олади.

Агломерация иқтисодиётининг афзалликларини урта механизм орқали умумлаштириш мумкин: алмашиш, мослашиш ва ўрганиш. Корхоналар ўзларига мос келувчи объектларни, инфратузилмани, этказиб берувчиларни ва ишчи кучини алмашиш имкониятлари агломерация таъсирида юзага келади. Корхоналар агломерацияларда шаклланган ва доимий ривожланиб борадиган ихтисослашган меҳнат бозоридан самарали фойдаланиши ва малакали ишчи кучига бўлган талабини ўз вақтида қондира олиш имконияти юзага келади. Бундан ташқари, корхоналар ривожланган агломерацияларда янги технологияларни тезкор ўзлаштириши ва бизнес амалиётини тезроқ ва қулайроқ ўзлаштириш мумкин.[3] Ушбу таъсирларни батафсил кўриб ўтамиз.

Агломерацияларда алмашиш самараси

Агломерациянинг афзалликларидан бири иштирокчилар сонидан қатъи назар, харажатларни тежашга интилиши асосида инфратузилмани алмашиш имкониятига эга бўладилар. Айниқса, йирик саноат зоналари ва кластерларда инфратузилмадан максимал даражада самарали фойдаланиш орқали рақобатбардошликка эришилади. Мазкур агломерацияларда транспорт ва телекоммуникация инфратузилмаси давлат инвестициялари асосида ўсиб боради, чунки тармоқ зичлиги ортиб боради ва алмашишни рағбатлантиради.[4] Шу доирада, давлатнинг бир марталик инвестициялари агломерация иқтисодиёти туфайли ўзини ўзи таъминлайди.[5]

Агломерацияларда мослашувчанлик самараси.

Агломерация иқтисодиёти юқори даражадаги маълумотга эга бўлган ишчи ходимлар учун қулай имкониятларини таклиф қилади, бу эса ишчиларни агломерация ҳудудларига яхшироқ мослашувчанликни рағбатлантиради. Бу, айниқса, урбанизациялашган агломерацияларга тўғри келади. Йирик шаҳарларда каттароқ ишчи кучи мавжуд, бу эса саноат корхоналарига малакали ишчиларни топишни осонлаштиради. Юқори зичлик ва инсон капитали захираларига эга бўлган ҳудудлари агломерациядан даромад олиш эҳтимоли юқори бўлади. Малакасиз ишчилар жойлашган ҳудудларда агломерация бир хил ижобий фойда келтирмайди.[6] Меҳнат фонди қанчалик катта бўлса, у шунчалик хилма-хил ва ихтисослашган бўлади.[7] Бундан ташқари, йирик шаҳарлар номуносиб равишда юқори ва паст малакали ишчиларни жалб қилади.

Олиб борилган бир тадқиқот шуни кўрсатдики, саноат ҳудудларида умумий меҳнатда, биринчи навбатда, паст малакали ишлаб чиқариш билан боғлиқ касбларда агломерация иқтисодиётини юзага чиқади.[8] Саноат, хусусан, ишлаб чиқаришда концентрация қанчалик кўп бўлса, янги иш ўринлари яратиш учун мультипликатор шунчалик юқори бўлади.[9]

Агломерацияларда ўрганиш самараси

Агломерациянинг асосий афзалликларидан бири шундаки, у янги ғояларни яратиш ва маълумот алмашиш харажатларини камайтиради. Малакали ишчилар ва фирмалар ўртасидаги яқинлик ва юзма-юз алоқа орқали янги ғояларнинг тезроқ тарқалади, бу эса ўз навбатида инновацияларга олиб келганда билимларнинг тарқалиши содир бўлади. [10]

Ўрганиш самараси юқори технологиялари ишлаб чиқариш саноати агломерацияларида янада кўпроқ пайдо бўлиши мумкин. Биринчидан, ишчилар бир-бирларидан тезроқ ўрганадилар. Иккинчидан, технологик ўзгаришларининг тезлиги ходимларни янада тезкор ишлашга мажбур қилади ва мотивациялайди. Биргаликда бу самаралар билимга асосланган агломерациясини рағбатлантириш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. [11]

Каттароқ меҳнат бозорларидаги иш берувчилар технологияга кўпроқ сармоя киритадилар, чунки улар худудда ишлаб чиқаришни ривожлантириш қобилиятига эга бўлган ихтисослашган ходимлар учун доимий равишда таълим ва фан соҳаларига инвестициялар киритиб боради. Инсон капиталига сармоялар киритишнинг юқорилиги эса малакали ишчи кучини шакллантиришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. [12]

Юқоридагилардан келиб чиққанда агломерация содир бўлиши учун зарур бўлган инфратузилмага инвестицияларни ортиб бориш асосий йўналиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг концентрация даражаси транспорт инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатчанлиги натижасидир. Агломерацияларда модернизациялашган транспорт тизимларининг мавжудлиги ишлаб чиқариш концентрациясини осонлаштиради.

Йўл ва транспорт инфратузилмалари ишчиларни ҳаракатланишини ва логистика самарадорлигини юзага чиқариб, ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда агломерациянинг кўплаб афзалликлари бор, жумладан, бандлик, иш ҳақи ва рақобатбардошликни оширади. Саноат кластерларини шакллантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шуларни инобатга олган холда саноат агломерацияларни шакллантиришга қаратилган мақсадли стратегик йўналишларни белгилаш барча минтақалар учун асосий йўналиш бўлиши лозим.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққанда Саноати ривожланаётган Ўзбекистоннинг агломерацияси модели ишлаб чиқариш, иқтисодий ва инсон капиталининг ўсишини жадаллаштириш учун шаҳарлар ва иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантиришга интилиш, интеграциялашнинг рекреацион, ахборот ва таълим салоҳиятидан биргаликда фойдаланишга асосланган кластелар яратишга юқори даражада аҳамият қаратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Bolter K., Robey J. *Agglomeration Economies: A literature review.* – 2020.
3. Duranton, G., & Puga, D. (2004). *Micro-foundations of urban agglomeration economies.* In *Handbook of regional and urban economics* (Vol. 4, pp. 2063-2117). Elsevier.
4. Giuliano, G., Kang, S., & Yuan, Q. (2019). *Agglomeration economies and evolving urban form.* *The Annals of Regional Science*, 63, 377–398.
5. Kline, P., & Moretti, E. (2014). *Local economic development, agglomeration economies, and the big push: 100 years of evidence from the Tennessee Valley Authority.* *The Quarterly Journal of Economics*, 129(1), 275-331.
6. Abel, J. R., Dey, I., & Gabe, T. M. (2012). *Productivity and the density of human capital.* *Journal of Regional Science*, 52(4), 562-586.
7. Backman, M., & Kohlhase, J. (2013). *The influence of diversity on the formation, survival and growth of new firms* (Working Paper No. 337). Retrieved from The Royal Institute of Technology Centre of Excellence for Science and Innovation Studies (CESIS) website: <https://www.semanticscholar.org/paper/The-Influence-of-Diversity-on-the-Formation%2C-and-of-BackmanKohlhase/54576a09a7342ec588a4ac041054e6e5d9193514>
8. Fagan, J. H. (2000). *Do northeast Ohio’s drivers derive competitive advantage from shared labor?* *Economic Development Quarterly*, 14(1), 111-125.
9. Kazekami, S. (2017). *Local multipliers, mobility, and agglomeration economies.* *Industrial Relations: A Journal of Economy and Society*, 56(3), 489-513.
10. Storper, M., & Venables, A. J. (2004). *Buzz: Face-to-face contact and the urban economy.* *Journal of economic geography*, 4(4), 351-370
11. Glaeser, E. L., & Resseger, M. G. (2010). *The complementarity between cities and skills.* *Journal of Regional Science*, 50(1), 221-244
12. Acemoglu, D. (1997). *Training and innovation in an imperfect labour market.* *The Review of Economic Studies*, 64(3), 445-464.
13. <https://www.eiu.com/n/webinars/industries-in-2023/>

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Тошева Зироат Алиқул қизи
АЖ Зираат Банк Ўзбекистан

Сўнгги йилларда қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Айтиш жоизки, хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб бирор-бир давлат тараққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эриша олган эмас. Шу боис ҳам бу иш мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида бу сиёсатни:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий асос, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш;